

(тахминан 1803/ 06-1842, Кўкон)
(1822-1841)

Минглар сулоласидан бўлган Кўкон хони. Умархон ва Нодиранинг ўгли. Отаси Умархон вафотидан кейин 17 ёшида тахтга ўтирган. Хукмронлик даврида хонлик ҳудудини кенгайтиришга уринган. Жанубий Олай тоғ этагида тожиклар бўйсундирилган. Коратегин бутунлай, Дарвоз, Шугнон, Рошан, Вохонфакат номигагина забт этилган. 1829-йилда Кашкарга юриш қилган. Унинг бу ҳаракатидан фойдаланган Кашкар мусулмонлари хитойларга қарши бош кўтарган. Мағлуб бўлган уйгурлардан 70 минги Мухаммад Алихон билан бирга қайтиб, Кўкон хонлигидаги шаҳарларга (жумладан, Тошкентга) жойлаштирилган. Мухаммад Алихон Кашкарга қилган қайта-қайта ҳужуми натижасида Шарқий Туркистон шаҳарларидан бож йиғиш ҳуқуқини олган. Мухаммад Алихон хукмронлиги даврида сугориш ишлари йўлга қўйилган. Тошкент яқинида Хонарик қазилган. Тошкент ҳокими Лашкар кушбеги Мухаммад Алихоннинг яқин маслаҳатчиси бўлиб қолган. Россия билан савдо ва дипломатик алоқалар яхши йўлга қўйилган. 1828-йилда Кўкондан Санкт-Петербургга элчилар боради ва улар яхши кутиб олинади. 1830-йилда Кўконга Россия элчиси хорунжий Потанин келади.

Мухаммад Алихоннинг хукмронлик даврида Кўкон-Бухоро муносабатлари кескин ёмонлашади. Улар орасида бўлиб ўтган урушлар натижасида Бухоро амири Насруллахон Кўкон қўшинини тор-мор қилади. Мухаммад Алихон ўзини ноилоҳ амирнинг ноибидеб эътироф қилади. Орадан икки йил ўтгач, 1841-йилнинг октябрида Кўконда хон зулмига қарши халқ кўзғолони кўтарилади.

Мухаммад Алихон ичкиликбозлик ва ахлоқсизликка берилади. Бухоро–Кўкон ўртасидаги муносабатлар ёмонлашуви ва тез-тез такрорланиб турадиган ҳарбий тўқнашувлар шунга олиб келдики, Мухаммад Алихон 1841-йил ноябрда укаси Султон маҳмуд фойдасига тахтдан воз кечади, шундай бўлса ҳам 1842-йилда апрелда Бухоро амири Насруллахон Кўконни забт этди ва Мухаммад Алихонни, укаси Султон Маҳмудхонни, онаси Нодирабегимни қатл эттиради.

Мухаммад Алихон газаллар ёзган, унинг буйригига биноан, хаттотлар Алишер Навоий асарларини миниатюралар билан безатиб кўчирган, кўплаб тарихий асарлар форс ва араб тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган. Мухаммад Алихон даврида мактаб ва мадрасалар қурилган (мас. Мадалихон мадрасаси), Кўконнинг эски ўрдаси таъмирланган.